

\_\_\_\_\_сонли иқтисодий иш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Яккабоғ тумани

2023 йил 6 ноябрь

Яккабоғ туманлараро иқтисодий судининг судьяси С.Турсуновнинг раислигида, М.Буриевнинг котиблигида, Яккабоғ туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши даъвогар «\_\_\_\_\_» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган даъво аризаси асосида қўзғатилган иқтисодий ишни, Яккабоғ туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши вакили \_\_\_\_\_ (ишончнома асосида) иштирокида, Яккабоғ туманлараро иқтисодий суди биносида, очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Яккабоғ туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши даъвогар \_\_\_\_\_ масъулияти чекланган жамиятига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат этиб, даъвогар фермер хўжалиги ва жавобгар ўртасида пахта хом ашёси ва уруғлик пахта етиштириб топшириш бўйича \_\_\_\_\_ пахта хом-ашёси харид қилиш бўйича контрактация шартномаси имзоланганлиги, шартномага асосан фермер хўжалиги томонидан кластерга \_\_\_\_\_ пахта топширилганлигини, топширилган пахта хом-ашёсининг қиймати \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этиши ва ушбу сумма фермер хўжалигига тўлаб берилганлигини, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 121-сонли қарорининг 8-илоvasида “Бухоро-8,” “Бухоро-6”, “С-6524”, “Наманган-77”, “Бухоро-102” навларига 1,15 фоиз рағбатлантирувчи коэффициент тўлаш назарда тутилганлиги, фермер хўжалиги томонидан топширилган пахта хом-ашёси учун 1,15 фоиз коэффициент ҳисобдан \_\_\_\_\_ сўм ҳақдорлик ҳисобланганлигини, лекин кластер томонидан рағбатлантирувчи коэффициент тўланмасдан келаётганлиги сабабли, 2021 йилда топиширилган пахта учун 1,15 фоиз, яъни \_\_\_\_\_ сўм коэффициент ҳақдорликни ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар фермер хўжалиги вакил иштирокини таъминламади.

Суд мажлисида иштирок этган фермерлар кенгаши вакили даъвони қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги 320-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги 121-сонли қарорининг 8-илоvasидаги “1,15” рағбатлантирувчи коэффициент “1,01” рақами билан алмаштирилганлигини, фермер хўжалигига 2021 йил топширган пахта хом-



ашёси учун 1,01 фоиз коэффициент суммаси тўлаб берилганлигини маълум қилиб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг кўрсатмасини ва ишдаги ҳужжатларни текшириб, Яккабоғ туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг даъвогар "██████████" фермер хўжалиги манфаатида киритган даъвосини қисман қаноатлантиришни ва даъвонинг асосли бўлган қисмига мутаносиб равишда давлат божини жавобгарнинг зиммасига юклашни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан ва суд мажлиси муҳокамасида аниқланишича, даъвогар "██████████" фермер хўжалиги билан жавобгар «██████████ ██████████ масъулияти чекланган жамияти ўртасида ██████████ куни пахта хом-ашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича ██████████ шартнома имзоланган.

Шартноманинг 1.1-бандига кўра, фермер хўжалиги ██████████ йилнинг бизнес режасига асосан ██████████ гектар ер майдонидан ██████████ тонна пахта хом-ашёси топшириш мажбуриятини олган, жавобгар эса етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиш ва муайян нарх бўйича ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

ЎзР Президентининг 2020 йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4633-сонли қарорининг 3-бандида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминлаши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ██████████ йил 1 ноябрдаги №04/024-4454-сонли хати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларига юборилган ва ушбу хатда Ўзбекистонда етиштирилган тўртинчи тип, иккинчи нав, биринчи синф 1 (бир) тонна пахта хом-ашёсининг минимал нархи қўшилган қиймат солиғи билан бирга 6 512 минг сўмни ташкил этиши белгиланиб, 2021 йил ҳосилидан пахта хом-ашёси етказиб бериш бўйича пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида тузилган шартномаларни белгиланган минимал нархларга мувофиқлаштирилиши ҳамда фермер хўжаликлари томонидан топширилган юқори ёки паст навли пахта хом-ашёси учун ҳисоб-китобларда базавий нарх сифатида қўлланилиши тавсия қилинган ва пахта хом-ашёсининг харид нархлари белгиланган.

2021 йилда фермер хўжаликлари томонидан топширилган пахта хом-ашёси учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги №04/024-4454-сонли хатининг иловасида келтирилган пахта хом-ашёсининг харид нархларига асосан ҳақ тўланган.

Фермер хўжалиги томонидан қиймати ██████████ сўм бўлган ██████████ кг пахта хом-ашёси кластерга топширилган.

Даъво аризасига илова қилинган Яккабоғ туман фермер хўжаликларида қалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритиш маркази томонидан берилган маълумот-жадвалга кўра, фермер хўжалиги томонидан топширилган



қиймати [REDACTED] сўм пахта хом-ашёси учун [REDACTED] сўм рағбатлантирувчи коэффициент суммаси ҳисобланган ва мазкур ҳисобланган коэффициент [REDACTED] сўми кластер томонидан тўлаб берилган.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 мартдаги №121-сонли қарорининг 1-бандининг 9-хатбошисида 2021 йилда кутилаётган минимал нархларга нисбатан рағбатлантирувчи коэффициент жорий этиладиган ғўзанинг селекцион навлари 8-иловага мувофиқ тасдиқланиши, қарорнинг 8-иловасида эса “Бухоро-8,” “Бухоро-6”, “С-6524”, “Наманган-77”, “Бухоро-102” навларига 1,15 фоиз рағбатлантирувчи коэффициент тўлаш назарда тутилган.

Даъво аризасига илова қилинган Яккабоғ туман фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини юритиш маркази томонидан берилган маълумотда фермер хўжалиги томонидан топширган пахтанинг миқдори, нави, синфларини инобатга олинган ҳолда тўғри ҳисоб-китоб тақдим қилинган.

ЎзР “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Қонуннинг 6-моддасига кўра, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Қонуннинг 13-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қарорлар тарзида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

Суд кластер томонидан фермер хўжалиги топширган пахта хом-ашёси учун [REDACTED] фоиз миқдоридан рағбатлантирувчи коэффициент суммаси [REDACTED] сўм тўлаб берилганлиги сабабли, даъвонинг қолган қисми [REDACTED] сўм ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

ЎзР Иқтисодий процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган далилларни ишда иштирок этувчи бошқа шахслар олдида, агар ушбу Кодексда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суд мажлиси бошлангунига қадар ёки суд белгиланган муддат доирасида очиб бериши лозим.

ИПКнинг 72-моддасига кўра, қонун ҳужжатларига мувофиқ муайян далиллар билан тасдиқланиши керак бўлган иш ҳолатлари бошқа далиллар билан тасдиқланиши мумкин эмас.

Фуқаролик кодексининг 234-моддасига кўра, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-



мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

ФКнинг 236-моддасида мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши белгиланган.

ФКнинг 237-моддасига кўра, мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда - ИПК)нинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Ҳал қилув қарори ўз фойдасига чиқарилган тарафга иш бўйича қилинган барча суд харажатларининг ўрни, гарчи бошқа тараф давлат божини тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу бошқа тараф ҳисобидан қопланади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, суд даъво аризани қисман қаноатлантиришни, жавобгардан даъвогар фермер хўжалиги фойдасига [REDACTED] сўм рағбатлантирувчи коэффициент суммасини ундиришни, даъвонинг [REDACTED] сўм қисмини рад этишни, жавобгардан Республика бюджетига [REDACTED] сўм давлат божи, фермерлар кенгаши фойдасига почта харажати учун тўланган [REDACTED] сўм суд харажатини ундиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 112-113, 119-, 176-179, 19-6, 192-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л д и:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар « [REDACTED] » фермер хўжалиги фойдасига [REDACTED] сўм рағбатлантирувчи коэффициент суммаси ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад қилинсин.

Жавобгар « [REDACTED] » масъулияти чекланган жамиятидан:

- Республика бюджетига [REDACTED] сўм давлат божи;
- Яккабоғ туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фойдасига почта харажати учун тўланган [REDACTED] сўм суд харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргандан сўнг ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддатда апелляция тартибида Қашқадарё вилоят судига шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

С.А.Турсунов

